



Порнократия (кадимги юнонча πόρνη - фохиша; зино + κράτος - хокимият), фохишалар/суюкоёклар хукмронлиги/эраси (итальянча *pornocrazia romana, governo delle prostitute*; лат. *saeculum obscurum* - яширин давр, тарихий давр) (10-асрнинг биринчи ярми) Рим папаси Сергей III хукмронлигидан бошланиб, 963-йилда Иоанн XII вафотигача (бошка маълумотларга кўра, 30 йил, то Иоанн XIII вафотигача) 60 йил давом этган.

Бу вақт давомида Рим понтификлари кудратли зодагонлар Теофилакт оиласи - Рим консули ва комитаси Тускулум Теофилакт, унинг рафикаси Феодора ва уларнинг кизи, фохиша сифатида шухрат қозонган Марозия, кейин Марозиянинг ўғли Алберих, герцог Сполетскийнинг кучли босими остида бўлган. Тарихчи Енё Гергей ёзганидек, "бу бой ва нуфузли хокимиятга чанкок аёллар ўзларининг дўстлари, севишганлари ва қариндошларини папа тахтига ўтказари. Улар ўзларига ёкмаган папаларни зудлик билан ағдариб, йўлдан олиб ташлашарди".

Бу давр ҳақидаги ўрта асрларнинг аксарият далиллари жуда ноҳолисдир, чунки у папаликнинг сиёсий муҳолифлари томонидан яратилган. Бирок, ҳатто Рим-католик

черковининг расмий тарихи ҳам бир неча ўн йиллар давомида нотўғри турмуш тарзига эга бўлган кўплаб папалар бўлганлигини ва улар Теофилакт уруги томонидан тайинланган ва назорат килинганлигини тан олади.

"Порнократия" (немисча Pornokratie, юнонча порвократiа, "фохишалар хукмронлиги"), гетерократия ("маъшукалар ҳукумати") ва "фохишалар хукмронлиги" (немисча Hurenregiment) атамаларини немис протестант теологлари томонидан 19-асрда ўйлаб топилган.

10-асрнинг биринчи ярмида Римда хакикий ҳокимият Теофилакт оиласи вакилларига тегишли эди. Папа давлатлари Рим сенатори Теофилакт томонидан бошқарилди, у Рим папаси Бенедикт IV (900-903) даврида консул, дукс, бош кўмодон (magister militum) ва папа хазиначиси деб эълон килинган. Кўп ўтмай, оиланинг кўмагидан фойдаланиб, Сергей III папа бўлди.

"Папа хорини жазманлари ва ноқонуний тугилган болалар билан тўлдирган ва папа саройини ўғрилар уясига айлантирган" Сергей III барча дунёвий ваколатларни Теофилакт кўлига топширди (бир манбага кўра - унинг амакиваччасига). Теофилактнинг рафикаси ва кизи Феодора ва Марозия бу йиллар давомида кўлларида фавкулдда куч тўплашди (бунда айтишларича, 15 ёшли Марозия папанинг ўйнаши бўлди). Римнинг сиёсий ҳукмдорлари сифатида улар янги понтифик сайланиши устидан тўлиқ назоратни амалга оширганлар.

«Бу икки фохиша, Марозия ва Феодоранинг таъсири уларнинг гўзаллиги ва бойлигига асосланган эди, шунингдек, уларнинг сиёсий ўйинлари ва ишқий саргузаштларининг натижаси эди. Улар ўзларининг энг катъиятли жазманларини папа тиаралари билан тақдирлашган. Уларнинг хукмронлик даври, эҳтимол, аёл-папа ҳақидаги афсона учун асосдир. Мукаддас тахтни Марозиянинг ноқонуний ўғли, набираси ва чевараси эгаллаган. Авоиё Петрнинг Ердаги ноиблари учун ноёб насабнома». Эдуард Гиббон «Ўшанда Рим шахрини эркак сифатида - буни ҳатто айтишга ҳам уяласан - беҳаё фохиша Феодора, яқинда вафот этган Алберикнинг бувиси бошқарган. Унинг иккита кизи бор эди - Марозия ва Феодора, улар нафакат ҳамма нарасада унга ўхшаш, балки бузуқликка ҳам мойил эдилар. Улардан Марозия жиноий равишда биз юкорида айтиб ўтган Папа Сергийдан Иоанни тугди». Лиутпранд Кремонский. «Книга Воздаяния (Антаподосис)», кн. II, XLVIII.[8]

Теофилакт номи хикояларда жуда эрта пайдо бўлишни тўхтатади (924 йил вафот этган), бироздан кейин унинг рафикаси Феодора (928 йил вафот этган) бутун ҳокимиятни бутунлай кизи Марозияга топшириб, сахнани тарк этади.

Эҳтимол, Марозия Папа Сергей III нинг ўйнаши ва аник Иоанн X нинг онаси ва Иоанн XII нинг бувиси эди. Бундан ташқари, у ўзи томонидан ағдарилган (Феодора хомийлиги туфайли тиара олган) Папа Иоанн X нинг ўлдирилишида гумон килинади.

Теодора ва Марозиянинг саъй-ҳаракатлари билан тайинланган понтификларни кораловчилар ушбу аёллар билан ишқий муносабатларда бўлганини айтишади:

«Теодора, мен айтганимдек, ҳаёсиз фохиша, севги эҳтирослари билан ёниб, унинг юзи гўзаллигидан аклдан озди ва шунчаки у билан алоқа килишни истабгина қлмай, кейинчалик бунга мажбур ҳам қилди. Ушбу уятсиз ҳаракатлар содир этилаётганда, Болония черковининг епископи вафот этди ва Иоанн унинг ўрнига сайланди. (...) Айнан ўша пайтда Теодоранинг Глицерия онгига ўхшаш бузуқ онги, унинг севгилиси Равеннани Римдан ажратиб турадиган 200 мил масофа туфайли жуда камдан-кам ҳолларда унинг васлига етишига бошқа чидай олмасдан, уни (Иоанни) Равеннадаги архиепископни тарк

этишга ва - ох дахшат! - Римдаги олий понтификатни кўлга олишга мажбур килди». Лиутпранд Кремонский. Об избрании Иоанна X. «Книга Воздаяния (Антаподосис)», кн. III[8]

Бу давр папаларининг аксарияти, Иоанн X хибсга олинганидан ва ўлиmidан сўнг, Рим патрицияси, сенатор (сенатриса, Domna Senatrix) унвонини олган ва бутун ҳокимиятни ўз кўлида ушлаган Марозиянинг амалдаги буйруги билан сайланган. Понтификлар атиги бир неча йилдан ҳукмронлик қилишди. Бу вақтда Рим черкови тақдирида муҳим роль ўйнаган қарорлар қабул қилинмаган.

Марозия учинчи марта турмуш қурганида - иккинчи эри Гвидонинг укаси, италянн қироли Гугога турмашга чиққан (бу инцест деб ҳисобланган, бундан ташқари, Гуго шу никоҳ учун биринчи хотинидан ажрашган) - биринчи никоҳидан ўғли Алберих II Сполетский вояга етганди. Лиутпранднинг ёзишича: «онасининг айтганига амал қилиб, Алберих қирол Гугога, яъни кўлларини юваётган ўғай отасига сув қуйганида, ҳаддан ташқари ва [тегишлича] сиполиксиз сув қуйганлиги учун жазо сифатида Гуго унинг юзига урган. Бу ҳақорат учун қасос олмоқчи бўлиб, [Алберих] римликларни йигди ва уларга қуйидаги нутқ билан мурожаат қилди. „Рим шахрининг кадр-қиммати аллақачон шу қадар қашшоқлашганки, у ҳатто фоҳишаларнинг буйругига ҳам бўйсунди. Бир аёлнинг нопок никоҳи туфайли Рим шахрининг ҳалок бўлишига йўл қўйишдан кўра ёмонроқ ва жирканчроқ нима бўлиши мумкин?“»

Кўзғолон кўтариб (бир версияга кўра, тўй кечасида) Алберих онаси, ўғай отаси ва ўғай укаси Папа Иоанн Xни ҳайдаб чиқариб, қамокка ташлади ва ўзи Римда ҳокимиятни кўлга қиритди. Кейинги 20 йил давомида у тайинлаган папалар на сиёсий, на ижтимоий жиҳатдан ўз иродасини намойиш эта олмадилар. Лекин у уларнинг черков-маъмурий ҳокимиятини чекламади.

Бу даврнинг охири ёки Отто Алберихнинг васияти бўйича понтифик этиб сайланган ўғли Рим папаси Иоанн XIIнинг Германия императори томонидан ағдарилиши ёки (бу вариант қамроқ тарқалган) 30 йил олдин, Алберихнинг укаси Иоанн Xни ҳокимиятдан ағдарилиши деб ҳисобланади. Феодоранинг иккинчи кизи қичик Феодоранинг ўғли бир мунча вақт ўтгач, Папа Иоанн XIII бўлади, лекин императорга қарам бўлади. Кейинги йилларда Теофилактнинг оиласи, Тускулум графлари Римга яна бир қанча папалар ва антипапаларни беради.

Порнократия давридаги папалар рўйхати

Ватикандаги Авлиё Пётр соборида дафн этилган папаларнинг, шу жумладан порнократия давридаги папаларнинг рўйхати

Сергий III (904—911) —Марозиянинг ўйнаши.

Анастасий III (911—913) — креатура Теофилакта ва унинг кизи Марозия. 2,5 йилдан кейин ўлган.

Ландон (913—914) — у Феодора ҳомийлигида тахтга ўтирди. 6 ойлик понтификатдан кейин вафот этди.

Иоанн X (914—928) — Феодоранинг севгилиси. 928 йилда вафотидан унинг кейин Марозиянинг буйруги билан қамокка ташланди ва у ерда бўғиб ўлдирилди.

Лев VI (928) — Марозиянинг гумаштаси, Лео сайланишининг қонунийлиги шубҳа остида, чунки қамокка олинган Папа Иоанн X ўша пайтда ҳали тирик бўлиши мумкин эди. У 7

ойлик понтификатдан сўнг номаълум шароитда вафот этди, балки захарланган.

Стефан VII (928—931) — Стефан сайланишининг конунийлиги шубха остида, чунки камокка олинган Папа Иоанн X ўша пайтда хали тирик бўлиши мумкин эди. Номаълум вазиятда вафот этган, балки ўдирилган.

Иоанн XI (931—935) —Марозиянинг ўгли, папа Сергей III дан бўлиши мумкин. 18 ёшида (ёки 21) папа бўлган (саналарадги фарклар: 18 ёшида папа бўла олмасди, чунки расмий маълумотларга кўра Сергей III унинг сайланишидан 20 йил олдин ўлган).

Лев VII (936—939) —Альберих томонидан тахтга ўтказилган. Уч йилдан кейин ўлган.

Стефан VIII (939—942) — Альберих томонидан тахтга ўтказилган. Уч йилдан кейин ўлган.

Марин II (942—946).

Агапит II (946—955).

Иоанн XII (955—963) — Марозиянинг иккинчи ўгли, Альберих II Сполетскийдан невараси, 18 ёшида сайланган. У замондошларининг сўзларига кўра, римликларнинг норозиликка сабаб бўлган жуда бузук хатти-харакатлари билан ажралиб турарди. Император Оттон I томонидан ағдарилган, кейин вафот этган.

Тарихий окибатлар

Порнократия италияликларни норози қилди ва шу билан Оттон I томонидан Мукаддас Рим империясини барпо этиш учун маълум даражада шароит тайёрлади. Бу даврнинг сўнгги папаси Иоанн XII тахтдан ағдалиб, унинг ўрнига императорнинг одами қўйилиб, папа хокимиятининг нуфузини тиклаш жараёни бошланди. Янги папа Лео VIII ўзининг ярим асрлик бузукликдан кейин деярли унутилиб кетган сохидлиги билан яхши обрў қозонди.

Тахт тўлик Византияга қарши сиёсат олиб борган немис императорлари назоратига ўтганлиги сабабли Шарк ва Гарб черковлари ўртасидаги бўлиниш янада чуқурлашди. Порнократия даврида папаларнинг эркин тайинланиши билан боглик вазият шунга туртки бердики, 1059 йилда, тахминан 100 йил ўтгач, папа Николай II нинг фармони билан конклав - ҳозирги кунгача фаолият юритаётган папа сайловчилари институти ташкил этилди.

Католикларнинг фикри

Баъзи католик муллалари Римдаги порнократия давридан фойдаланиб, папаларни Худо танлаганлигини исботлашга уринади. Агар черков фоҳишалар даври каби таҳқирлаш ва гуноҳкор таназзул давридан омон қолган бўлса, у шубҳасиз Худо томонидан ҳимояланган, шунинг учун уни ҳеч қим йўқ қила олмайди.

Манбалар ва образни салбийлаштириш

Бу аёлларга қўйилган барча айбловлар адолатлими ёки йўқми - бу мунозарали масала, чунки порнократия даври ҳақидаги асосий манба Иоанн XIIнинг ағдалишига олиб келган епископларнинг яширин йигилишида иштирок этган ва Римнинг сиёсий душмани бўлган Кремона епископи Лиутпранднинг асари "Касос" саналади. Баъзи замонавий тарихчилар унинг маълумотларини ҳақиқатдан кўра кўпроқ миш-мишлар деб ҳисоблашни тақлиф қилишади.

Аммо нафакат йилномачи Лиутпранд, балки папаларининг расмий таржимаи холи «Liber Pontificalis» ҳам Сергийнинг Марозия билан бирга яшагани хакида гапиради. Католик энциклопедиялари ҳам Иоанн XI нинг отаси Сергий III эканлиги хакидаги фикрга кўшилади.

Асосий манба, Лиутпранд асари айрим холларда расмий папа календари ва иккита монастир йилномаси билан тасдикланади.

Лиутпранд кўллаган «блудница» ва «куртизанка» сўзлари мохиятан, шунчаки унинг ушбу аёлларга муносабатини тавсифлайдиган салбий эпитетлар саналади.

Улар зодагонлар табакасидан чикканлар ва уларнинг фохишалик оркали пул ишлаб топиш эҳтимоли жуда паст бўлган. Аммо шу билан бирга, уларнинг Рим устидан ҳокимияти ва понтификларни "тайинлаганлиги" хакидаги хабарлари, эҳтимол, хақиқатдир, лекин уларнинг ахлоқсиз ҳаёти ва кўп сонли ўйнашлари хакидаги хикоялари хақиқат эканлигини ишончли аниқлашнинг имкони йўқ. Папалик тарихидаги бу давр антиклерикаллар ва католиклик душманларига папа тахтини коралаш учун катта имкониятлар яратади.

Оммавий адабиётларда бу аёлларга берилган ва Лиутпранднинг баҳоларига асосланган тавсифларни учратиш мумкин: масалан, «бесстыдная Марозия, куртизанка высокого ранга» — бу мутлако нотўғри, чунки «куртизанка» бу — юкори ижтимоий катламларда ишлайдиган (пул учун) фохиша; ёки «гетера Марозия», бу ҳам пул тўлашни назарда тутати. Марозия консулнинг кизи, аслзода аёл эди ва ўз танасини сотиш билан кун кўрмаган. Бундай эпитетга Феодора лойиқ бўлиши эҳтимоли бор, чунки унинг келиб чиқиши хакида ҳеч қандай маълумот саклаб қолинмаган. Бирок бу эҳтимол ҳам жуда паст, чунки Феодора консул Теофилакт билан никоҳга ва ундан кейин куртизанка бўлиши мумкин эмасди. Аммо бундай аниқлик барибир иккала аёлнинг бузуклигини истисно қилмайди.

Тенглаштириш ҳатолари

Кейинчалик антиклерикал олимлар орасида Марозия жинояти унинг икки ўғли — Иоанн XI ва Иоанн XII нинг отаси Алберик ўртасидаги аниқ чалкашлик туфайли инцест айблови билан огирлашади: «Ўз ўғли папа Иоанн XI билан Мароция жинсий алоқада бўлиб, ундан ўғил кўрган ва уни ҳам папа тахтига, Иоанн XI номи билан ўтказган!». Уни шу тарика тугилган ўғли-неварасини ҳам йўлдан урида айблашади: «Иоанн XII, она томонидан ўз акасининг ўғли, бу ярамас аёл томонидан балогатга етишидан анча олдин зўрланган. У фахш ишларга шўнғиб кетди ва Мароция тез орада гайратли эазманга эга бўлди».

Бундан ташқари, иккита Феодора — катта ва кичик Феодора, она ва болани чалкаштириш кузатилади: Иоанн X «Марозиянинг ракиби ва синглиси Феодороа таъсири остида» папа этиб сайлангани ва айнан унинг ўйнаши бўлгани хакида фикрни учратиш мумкин, гарчи аслида онасининг ўйинчоғи бўлган. Ушбу икки исм эгасининг кичикроғи хакида маълумот жуда кам ва онаси ва синглисидан фарқли ўларок, у жуда кўп таъсир кўрсатмаган. Бундан ташқари, афтидан, аввалгиларининг кизи ва набираси - учинчи Теодора бор эди.

Баъзида кичик Феодора, рим папаси Иоанн XIII нинг онаси (ёки бувиси — Феодора III оркали) унинг синглиси Марозия - Иоанн XI ва Альберикнинг онаси билан адаштирилади: «бошка кизи, Феодора, Тоскания маркизи Адальбертнинг хотини, Альберик исми ўғли бор жли ва у кейинчалик Римга эгалик қилган». Бу ҳолатда Альберик Марозиянинг ўғли

эмас, жиянига «айланади».

Бундан ташкари, жуда кўпол хатолар мавжуд: «Бу одам [Сергий III] кизлари Мария ва Теодора билан биргаликда черков хизматкорларига фавкулодда таъсир кўрсатган таникли гетера Теодора билан жиноий муносабатларда яшаган»: ушбу ҳолатда муаллифга, афтидан, VI асрда машхур Византия императори бўлган гетера Феодоранинг таржимаи холи таъсир этган кўринади. Шунингдек, Сергий бир вақтнинг ўзида она-боланинг – онаси Феодора ва кизи Марозиянинг ўйнаши бўлганлиги кайд этилади. Буни унинг факат Марозия билан алоқаси хакида хабар берувчи манбалар кўллаб-қувватламайди.

Абу Муслим тайёрлади